2015 йил 10 июль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (12.954)

Баҳоси эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВ УФА ШАҲРИГА КЕЛДИ

*УФА, 9 июль. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Уфа шаҳрига келди.

Шаҳар марказидаги Конгресс-холлда ШҲТ (Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон) ва БРИКСга (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси) аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ШҲТ ҳамда БРИКС доирасидаги ҳамкорлик, жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш, жумладан, биргаликда иқтисодий ўсишни таъминлаш, молиявий барқарорлик ва таркибий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга оид масалалар, минтақавий ва глобал аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Саммит қатнашчилари замонавий таҳдид ва хавф-хатарлар глобал миқёс касб этиб бораётганини инобатга олиб, уларни бартараф қилиш борасидаги халқаро ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида ШҲТ ва БРИКСга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокидаги ушбу ноёб учрашув ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан улкан салоҳиятга эга икки халқаро тузилма учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ислом Каримов ҳозирги кунда халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётганидан ташвиш билдирмайдиган мамлакатнинг ўзи йўқлигини, бу иллатларга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этди. ШҲТ-БРИКС учрашуви мазкур тузилмаларга аъзо мамлакатлар халқлари фаровонлигини ошириш, бу улкан ҳудудда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг асосий расмий тадбирлари 10 июль куни бўлиб ўтади. Давлат раҳбарларининг музокаралари якунида Уфа декларацияси имзоланиши, ШҲТни ривожлантириш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган стратегия ҳамда ташкилотни кенгайтириш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уфа сафари доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**ЎзА**

**ПОЙТАХТНИНГ** БИР КУНИ

**"Ниҳол – 2015"**




## ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

***Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ниҳол" мукофоти учун ўтказилган танловнинг мамлакат босқичи бошланди.***

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг камолоти, истиқболи учун барча имконият ва шароитларни яратиш, истеъдодли ёшлар сафини тобора кенгайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар юксак самараларни бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш истеъдодлар учун таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти учун танлов анъанавий тарзда ҳар икки йилда ўтказилиб, эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасида фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур мукофот учун ўтказилган ижодий танловда жорий йилда юртимизнинг барча ҳудудларидан 13 мингдан ортиқ ёш ижодкор иштирок этгани унинг нуфузи йил сайин ортиб бораётганидан дарак беради.

Ижодий лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 940 ёш қатнашиб, улардан 172 нафари финалда иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Мадина Абдураҳмонова Сирдарёдаги санъат коллежини битириб, Гулистон туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказида бадиий раҳбар бўлиб меҳнат қилмоқда. У танлов учун «Гулузорим», «Фиғонким», «Эй сабо», «Бозургони» сингари мумтоз қўшиқларни тайёрлаб келган.

– «Ниҳол» мукофоти учун ўтказилаётган ижодий танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳар бир ёш ижодкор учун шараф ва улкан масъулиятдир, – дейди М.Абдураҳмонова. – Бу каби танловлар ижодимизни катта саҳналарда, талабчан устозлар назаридан ўтказиш, тенгдошларимизнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, ўз фаолиятимизга янада теран назар ташлаш имконини беради.

Ижодий танловнинг дастлабки кунида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиз вакиллари тайёрлаган мусиқий намуналар ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Сирдарё вилоятида мустақиллигимизнинг 24 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан ҳудудларда кенг миқёсли ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, маҳаллалар тобора чирой очмоқда. Сирдарё тумани маркази ва унинг атрофидаги маҳаллаларни янада кўркамлаштиришда туман ободонлаштириш бошқармаси меҳнат жамоасининг хизматлари катта бўлаётир. Бошқарма ишчи-хизматчилари томонидан шу кунгача шаҳар кўчалари атрофига 3400 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, 20 минг туп турли хил кўчатларга шакл берилди. Йигирма километр масофадаги лоток-ариқлар тозаланди.**

**• Бухорода умумий амалиёт ҳамда тез тиббий ёрдам шифокорларининг касб малакасини оширишни ташкил қилиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари Бухоро, Вобкент, Когон туманлари ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаларида бўлиб, улардаги ўқув марказларида ҚВП ва тез ёрдам бўлимлари шифокорларининг билим олиши ҳамда касб малакасини ошириши учун яратилган шароитлар билан танишди.**

**• Қарши шаҳридаги «Дармон фарм» хусусий фирмаси томонидан Яккабоғ туманидаги Эсат қишлоғида «Гўзаллик салони», сартарошхона, дорихона ва тикувчилик цехини ўз ичига олган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилгани ҳудуд аҳолисига қатор қулайликлар яратди. Мажмуада меҳнат қилаётган йигирмадан зиёд ишчининг аксарияти коллеж битирувчиларидир.**

**• Жорий йилда Наманган санъат коллежини 193 нафар ўқувчи-ёшлар битирди. Шу муносабат билан уларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, ушбу йўналишда уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Жумладан, коллеж битирувчиларининг 70 нафарга яқини диплом билан бирга меҳнат дафтарчасига ҳам эга бўлди.**

### ЖАҲОНДА

**• Япония пойтахти Токиодан Осака шаҳри томон ҳаракатланаётган тезюрар поездда юз берган ёнғин туфайли 20 га яқин киши жабрланган бўлиб, икки нафарининг аҳволи анча оғир. Маълумотларга қараганда, поезднинг дастлабки вагонидан тутун чиқа бошлаб, сўнг ёнғинга айланган. Гувоҳларнинг айтишича, йўловчилардан бири тамбурга нефтга ўхшаш суюқликни тўкиб, ёқиб юборганлиги натижасида ёнғин келиб чиққан.**

**• Дунёнинг кўпгина давлатларида ҳукм сураётган жазирама иссиқ ҳаво Испанияда ҳам катта муаммоларни келтириб чиқарди. Бу ерда ўрмон ёнғинлари авжига чиқди. Ёнғиннинг энг йирик нуқталаридан бири мамлакатнинг марказий қисми — Гвадалахарада қайд этилиб, бу ерда етти юз гектарлик ўрмоннинг бутун ҳудуди куйиб кулга айланди. Яқин атрофдаги қишлоқларнинг икки юзга яқин аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилди.**

**• Қимматбаҳо ва камёб автомобилларнинг ихлосманди бўлган америкалик боксчи, даврнинг энг кўп пул топадиган спортчиларидан бири бўлган Флойд Мэйуэзер Швецияда ишлаб чиқарилган жуда ноёб Koenigsegg CCXR Trevita русумли автомобилни сотиб олди. Мазкур харид учун спортчи 4,8 миллион доллар сарфлади. Ушбу моделнинг кузови ялтировчи олмос билан қопланган оқ углерод толаларидан тайёрланган. Атиги уч нусхада тайёрланган ушбу автомобиль 2,9 сонияда юз километр тезликка эриша олиши ва энг юқори тезлиги соатига 402 километрга тенг эканлиги билан ажралиб туради.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

### Валенсияда бўлиб ўтган халқаро конференцияда муҳокама этилди

***Испаниянинг Валенсия шаҳрида «Ғарб ва Буюк Ипак йўли» мавзуига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Испания ҳукумати ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман доирасида мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан ушбу кўҳна трансконтинентал йўл ривожланишига Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси мавзуидаги тақдимот маросими ташкил этилди.***

Конференция чоғида унинг иштирокчилари – таниқли олим ва экспертлар, дунёдаги 30 дан зиёд мамлакатнинг сиёсий ва ишбилармон доиралари делегациялари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо муносабатлари, маданиятлараро ва илмий алоқалар тараққиётида Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини, шунингдек, янги тарихий шароитларда унинг қайта тикланиши истиқболларини муҳокама қилдилар.

Бўлиб ўтган тақдимот маросимида мамлакатимиз тарихан Буюк Ипак йўлида жуда муҳим ўрин тутгани, нафақат савдо алоқалари, балки маданиятлараро ва цивилизациялараро муносабатларнинг ривожига ҳам улкан ҳисса қўшгани Ўзбекистон томонидан қайд этилди.

Шунингдек, маросим қатнашчилари мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш, маданий-тарихий меросни, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги машҳур меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш бўйича ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тақдимот халқаро анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Буни тадбир қатнашчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан билиш мумкин.

– Ўзбекистон бой ва жуда мазмундор тарихга эга мамлакатдир, — деди **сенатор, Испаниянинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси Хосе Мария Чикульо**. — Турли маданиятлар ва цивилизациялар марказида жойлашган мамлакатингиз дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган. Бугун биз Шарқ ва Ғарб халқларининг тарихидаги савдо ва маданий муносабатлар ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини муҳокама қилдик. Бу ўринда Ўзбекистонни, юртингиздаги қадим йўлнинг чорраҳаси бўлган ажойиб шаҳарларини тилга олмаслик мумкин эмас.

– Ўзбекистон янги замон шароитларида Буюк Ипак йўлини тиклашга йўналтирилган халқаро саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда, — деди **Жаҳон Сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) Европа бўйича минтақавий директори Изабель Гаранья**. – Ўтган йили БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда юқори даражада ташкил этилгани ҳам улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган мамлакат сифатида дунёда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш ўсиб бораётганининг тасдиғи бўлди.

**«Жаҳон» АА,**
Мадрид

***Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда, жумладан, физика-математика фанлари, био ва кимё технологиялари йўналиши, янги материаллар яратиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакатимиз илмий муассасалари фаолияти иқтисодиётимиз ва унинг реал секторларини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган.***

**Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти**

## ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ТРАНСФЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда самарали инновацион тизим яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор вазифаларидандир.

Дунё бозорида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимизда иқтисодиётнинг замонавий, яъни инновацион шаклини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илм-фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустаҳкам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилмоқда. Бунда олимлар ўз тадқиқотларини иқтисодиёт ва жамиятнинг муайян эҳтиёжларига йўналтирса, иқтисодиёт тармоқлари уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ушбу механизмнинг муҳим воситаси бўлиб, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, маълумот алмашиш ва мамлакатимиз технологиялари трансферига хизмат қилаётир.

Ўтказилган саккиз ярмарка доирасида 4 мингдан ортиқ ишланма тақдим этилиб, жами 3200 дан зиёд шартнома имзоланди. Шартномаларнинг амалга оширилиши самарасида 23 турдаги янги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Ишлаб чиқарилган янги товарлар умумий қиймати бир триллион сўмдан ошди.

Инновацион технологиялар ишлаб чиқувчилар ва иқтисодиёт реал сектори корхоналари ўртасидаги кооперация алоқалари ҳам босқичма-босқич мустаҳкамланиб бормоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан Марказий Қизилқум фосфорити асосида азот-фосфор ўғити олиш бўйича ишлаб чиқилган дунёдаги илк технология «Навоийазот» акциядорлик жамиятида жорий этилди. Бунинг самарасида 2010 ва 2014 йилларда қиймати 8,1 миллиард сўмлик 40 минг тонна ва 54 миллиард сўмлик 180 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тошкент кимё-технология институти томонидан маҳаллий хомашё асосида экстракцион фосфор кислотаси олиш бўйича ишлаб чиқилган янги технологиянинг «Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятида жорий этилиши самарасида 2008-2014 йилларда қиймати қарийб 580 миллиард сўмлик 795 минг тонна фосфор ўғити ишлаб чиқарилди, 123,6 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Чигитдан таркибида госсипол кам бўлган кунжара ва тез тозаланадиган ёғ олиш технологияси йўлга қўйилди ҳамда бу чорвачилик эҳтиёжи учун кўп миқдорда кунжара ишлаб чиқариш имконини беради. Ушбу янги ишланма Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг 18 корхонасида жорий этилиб, қиймати 145 миллиард сўмлик 530 минг тонна зарарсиз кунжара ишлаб чиқарилди.

*(Давоми 2-бетда)*

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲА ИСТИҚБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий аппаратида барча ҳудудий бўлимларни ягона ахборот тармоғида бирлаштириш имконини берадиган замонавий оптик алоқа тизими жорий этилди.***

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорига биноан ахборот-коммуникация технологиялари барча, жумладан, автотранспорт соҳасига ҳам изчил жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ахборот-коммуникация технологиялари бўлими бош мутахассиси Баҳром Эгамбердиевнинг айтишича, айни пайтда автотранспорт соҳаси кенг миқёсда компьютерлаштирилмоқда ҳамда бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янги интерфаол хизматларни жорий этиш, юк ташиш сифатини ошириш ва йўловчиларга янги турдаги хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистонда йўловчи ташиш тизимини яхшилаш мақсадида жамоат йўловчи транспортида GPS тизими ўрнатилмоқда. Бундай тизим шаҳарлараро йўналишларда қатнайдиган 148 автобусга ўрнатилган ва яқин вақтларда яна 150 автобус шундай тизим билан жиҳозланади. Бундан ташқари, бу борада ишлаб чиқилаётган янги тизим туфайли ягона диспетчерлик пунктида автовокзалларда жойлаштирилган кузатув камералари ёрдамида транспорт воситаларининг ҳаракатини, йўловчи ва юк ташиш сифатини кузатиш мумкин.

Интерактив хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш учун ягона интеграциялаштирилган тизимни яратиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу тизим ёрдамида тадбиркорлар барча зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, лицензия ва лицензион карточкалар бериш жараёнини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ахборот тизимларини бирлаштириш учун ишлаб чиқилган тизимлараро алоқа ёрдамида мазкур идоралар ходимлари алоҳида электрон рақамли имзосини қўллаган ҳолда ўзлари учун зарур ахборотни олиши мумкин.

Ушбу йўналишдаги фаолиятни яхшилаш мақсадида жорий қилинган янги интерфаол хизматлар билан агентликнинг расмий сайтида танишиш мумкин. Агентликнинг ҳудудий ва тармоқ бўлимлари ўртасида электрон ҳужжат айланиш тизими ҳам жорий этилган бўлиб, унинг ёрдамида барча топшириқ ва расмий ҳужжатлар назорат қилинмоқда. Шаҳар телефон алоқаси ўрнида ягона корпоратив рақамли IP-телефония тизими йўлга қўйилган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг автотранспорт соҳасига жорий этилиши кўплаб рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириб, йўловчи ёки юк ташиш билан шуғулланишни истайдиган тадбиркорларнинг ҳам вақти, ҳам маблағини тежаш имконини беради. Буларнинг барчаси автотранспорт соҳасида соғлом рақобатни юзага келтириб, автотранспортда юк ташиш ва йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга кўмаклашади.

**Р.БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**




*Шаҳримиз янада чирой очмоқда*

# ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ТРАНСФЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муассасалари томонидан яратилган ўттиздан ортиқ турдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва айни пайтда улар дорихоналар тармоғи орқали сотувга чиқарилган.

Қишлоқ хўжалиги комплексида ғўзанинг юқори кўрсаткичларга эга самарали янги навлари, ўсимликларни баравж ривожлантирадиган стимуляторлар, зараркунандаларга қарши курашишнинг биотехнологик усуллари ва бошқа янгиликлар жорий этилаётир.

Бундан ташқари, инновация ярмаркаларида имзоланган шартномалар доирасида 54 технология ва ишланма тажриба-саноат синовларидан ўтказилмоқда, мингдан ортиқ ташкилот, корхона ҳамда фермер хўжаликларига илмий-техник хизматлар кўрсатилди.

Жорий йилнинг 19-21 май кунлари ўтказилган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларининг юздан ортиқ илмий ва таълим муассасаси, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, ихтирочилар ва хусусий корхоналар иштирок этиб, 604 та амалий илмий-техник ишланмани намойиш қилди.

Ярмаркада илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасида янги товар ва технологиялар харид қилиш бўйича умумий қиймати 25,7 миллиард сўмлик 776 та шартнома имзоланди.

Энергия тежайдиган, қайта тикланадиган энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш, ярим кристалл кремний ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини қўллаш ва бошқа йўналишларга доир ишланма ҳамда инновацион ечимлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётида илғор технология ва инновацион ишланмаларга талаб юқори эканидан далолат беради. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида замонавий хўжалик юритиш усулларини қўллаб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётганлар реал даромад олиш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконига эга бўлади.

Инновацион фаолиятни ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришни янада чуқурлаштириш, илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, мамлакатимиз илм-фанининг илғор ютуқлари ва истиқболли илмий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, пировардида Ўзбекистонда иқтисодиёт ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Одилхўжа ПАРПИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари,**
**Азиз ДИЛМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи.**
**(ЎзА)**

**Фармон ва ижро**

# КАСБ МАЛАКАЛАРИ ОШИРИЛАДИ

***Тошкент Автомобиль-йўллар институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини раҳбар ва педагог ходимларга етказишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Унда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ваҳобов, Тошкент Автомобиль-йўллар институти ректори М.Арипджанов ва бошқалар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб малакасини муттасил ошириб бориш, замон талабларига мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида қабул қилинган мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Мустақиллик йилларида олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари салоҳиятли илмий ва педагогик таркибга, замонавий ўқув-дастурий асосга, моддий-техник база ва ўқув-илмий лабораторияларига эга бўлган таълим масканлари сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Эътироф этиш лозимки, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда муҳим омил бўлди. Ушбу тизим таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, таълимни ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида комплекс ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда.

Хусусан, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш масаласига қаратилаётган эътиборнинг самараси ўлароқ ўтган йилларда мамлакатимизда олий ўқув юртлари педагогик жамоаси салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи малака ошириш механизми тубдан ислоҳ этилди. Ҳукуматимиз қарори билан ташкил этилган 5 та минтақавий, 10 та тармоқ малака ошириш маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази фаолият юритмоқда. "Электрон таълим" миллий тизими ёрдамида масофадан туриб педагог кадрлар малакасини ошириш тажрибаси амалиётга татбиқ этилаётир.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, мазкур Фармон асосида мамлакатимизда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 12 июнь куни эълон қилинган "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни бутунлай янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоблар қайтарилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# КЕКСАЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

***Мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда шу асосда қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан бир қатор амалий саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Федерация ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғликларини мустаҳкамлаш борасида фаоллик кўрсатмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, тизимдаги санаторий ва сиҳатгоҳларда кексалар учун алоҳида шароитлар яратилган бўлиб, бу ерда улар бепул дам олиб, соғликларини тиклашмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги «Турон» санаторийсида ҳам кекса авлод вакиллари учун зарур шароит ва қулайликлар яратилган.

Икки юз эллик ўринли санаторийда 16 та уруш ва меҳнат фахрийлари хонаси, жисмоний имконияти чекланган кексалар учун даволаш бўлимларида, ётоқхона ва ошхонада аравачаларнинг махсус чиқиш йўлакчалари ҳозирланган, 3 та интенсив муолажа хоналари, руҳшунос маслаҳати каби хизматлар ташкил этилган.

Санаторийда нуронийлар асаб, юрак, қон-томир касалликлари бўйича зарур муолажаларни олишади. Шунингдек, бу ерда мунтазам ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам даволанувчиларнинг мазмунли дам олишлари учун хизмат қилмоқда.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**«Туркистон-пресс» мухбири**

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган 43-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 29 октябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 13 ноябрда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида нафақат фуқароларнинг, балки тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва давлат муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларига оид нормалар ҳам ўрнатилди.

Ушбу Қонунда тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига мурожаат этиш шакллари ва турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид нормалар, хусусан Қонуннинг 4-моддасида тадбиркорлик субъектлари нафақат оғзаки ва ёзма тарзда, балки электрон шаклда мурожаат қилиши мумкинлиги, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ёзма мурожаат мурожаат этувчи якка тартибдаги тадбиркор шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Якка тартибдаги тадбиркор шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланади ва Қонуннинг 20-моддасига асосан кўриб чиқилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

Агар шахсий қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор ёки бошқа ваколатли шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак. Шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари (аудио- ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Қонуннинг 14-моддасига асосан мурожаатларни кўриб чиқишда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ва, агар бу тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборот давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат органига келиб тушган ёзма ва электрон шаклдаги мурожаатлари шу орган томонидан ёки унинг мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича мажбуриятлар зиммасига юклатилган мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилади. Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

